

Султон Абу Саид Мирзо ибн Султон Мухаммад
(1424-1469)
(1451-69)

Темурийлардан бўлган Мовароуннахр (1451-69) ва Хуросон (1458-69) ҳукмдори. Мироншоҳнинг набираси. Шохрух ва Улугбек вафотидан сўнг Темурийлар давлатида бошланган тахт учун кураш чоғида Улугбекнинг ўғли Абдулатиф томонидан Бухоро зиндонида ташланган. Абдулатифнинг ўлиmidан сўнг (1450) озод қилинган. Абу Саид Мовароуннахр тахтига ўтирган Мирзо Абдуллага қарши Абулхайрхон ёрдамида қўшин тортган ва 1451-йил Булунгур жангида уни тор-мор қилтириб, Самарканд тахтини эгаллаган. У миннатдорчилик сифатида Улугбек мирзонинг кизи Робия Султонбегимни Абулхайрхонга хотинликка берган. Сўнг Абу Саид Тошкентдан ўз пири Хожа Ахрорни қақиртириб олган. Хуросон ҳокими Абулқосим Бобур вафоти (1458)дан сўнг Хирот, Астробод, Мозандарон Абу Саид қўлига ўтиб, марказий ҳокимият тикланган. Бирок мамлакатнинг гарбий ҳудудлари нотинч эди, ҳусусан Гарбий Эрон темурийлар тасарруфидан чиқиб, қора қўюлилар сулоласи қўлига ўтиб қолганди. Абу Саид 1468-йил қузида уларга қарши қўшин тортади, лекин 1469-йил қишида Мугон даштида оқ қўюлилардан Узун Ҳасан билан бўлган жангда енгилиб, ҳалок бўлади. Абу Саид даврида Мовароуннахр ва Хуросонда ҳунармандчилик, савдо-сотик ривожланган, қўшни мамлакатлар билан элчилик муносабатлари яхши йўлга қўйилган. У Хиротда сарой, қамончилар машқгоҳи, қўприқлар, қўшқлар, шаҳар дарвозалари қурдирган, ариқ ва ҳовузлар қазитиб, боғ-роғлар бунёд этган.